



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 13 май, № 98 (8160)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ВОДИЙ ГАВҲАРИ ФАРҒОНА ҲАР СОҲАДА НАМУНА БЎЛАДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ислохотларнинг жойлардаги ижроси, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 12 май куни Фарғона вилоятига келди.

“Инсон қадри учун” деган эзгу тамойил бугун ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида ўз тасдиғини топмоқда. Асосийси кенг қамровли ислохотлар ўз самарасини бера бошлади. Бунинг Фарғона вилоятидаги янгиланишлардан, бунёдкорлик ишларидан ҳам билиш мумкин. Биргина ўтган йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 45 триллион сўмдан ошиб, ўсиш кўрсаткичи 8 фоизни ташкил этди. Аҳоли бандлигини таъминлаш, илмсизлик даражасини қисқартириш борасидаги ишлар натижасида 150 минг нафардан зиёд фуқароларнинг доимий бандлиги таъминланди.

Жумладан, Инвестиция дастурига мувофиқ қиймати 4,2 триллион сўм бўлган 809 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 16 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Давлатимиз раҳбари Фарғона вилоятига ташрифи Олтиариқ туманидан бошлади.

Маълумки, Президентимиз ҳудудларни ривожлантиришда уларнинг ўзига хос хусусиятидан ва аҳоли кўникмаларидан келиб чиқиб иш тутиш зарурлигини таъкидлайди. Олтиариқнинг шундай устуворлиги деҳқончиликда, одамларнинг омилкорлигида. Айниқса, Олтиариқ узуми чет элларда ҳам танқили “брэнд”га айланган.

Бундай маҳсулотларни кўпайтириш мақсадида туман чеккасидаги минг гектар адир-

ликда узумчилик ва боғдорчилик плантацияси ташкил этилди.

Президентимиз ушбу боғни келиб кўрди. Илгари бу жой ҳеч нарсга экинмайдиган қуруқ ер эди. Қишлоқ ҳўжалигини инновацион ривожлантириш борасидаги ишлар натижасида халқимиз ризқ-рўзи учун минг гектар янги манба пайдо бўлди. Бунинг учун қудуқлар ва ҳовузлар қазилиб, томчилатиб сугориш йўлга қўйилди. Бунда фойдаланилган ускуна ва қувурлар ҳам тўлиқ маҳаллий маҳсулот.

Ўзлаштирилган майдонларнинг 560 гектаридан тоқзор барпо этилиб, “хусайни”, “келинбармоқ”, “ризамат”, “кишимш” каби харидориги узум навлари экилмоқда. 300 гектарлик интенсив боғда олма, гилос, ўрик қўчатлари ўтказилмоқда.

Қатор ораларига тарвуз экилган. Бозор талабига қараб, қалампир, бўлғор қалампир, бодринг, қўкатлар ва бошқа полиз маҳсулотлари етиштирилади. Булар аҳоли даромади, юртимиз экспортини ошириш учун қўшимча манба бўлади.

— Фарғона қишлоқ ҳўжалигида катта натижаларга эришяпти, одамларнинг дунёқараши ўзгарапти, деҳқонлар экспортга чиқяпти. Лекин кечаги натижа бугунга тўғри келмайди. Доим изланишда, ҳаракатда бўли-

шимиз керак. Мана, салгина шароит яратилгани учун шунча жой боғ бўлди. Ҳали ички имкониятларимиз жуда кўп. Бу имкониятларни “инсон қадри” тамойили асосида халқимиз манфаатига йўналтириш керак. Водий гавҳари Фарғона бунда намуна бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу ер замонавий агросаноат мажмуи бўлади — 1 минг 500 тонна ситимли музлаткичи оғир, майши хизмат шохобчалари барпо этилади. 6 та минитрактор, 10 та юк машинаси сотиб олинади. Боғ ва тоқзорлар аҳолига бўлиб берилади. Бу миришкор олтиариқликлар учун катта имкониятлар яратди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда фарғоналик деҳқонлар ва кластер раҳбарлари билан суҳбатлашди.

— Бу боғ ва тоқзорлар аҳолига хусусийлаштириб берилади. Мулкдор қанча кўп бўлса, масъулият кўп бўлади, харидорларнинг, чет эллик ҳамкорларнинг тadbиркорга ишончи бўлади, одамлар кўпроқ даромад олади, — деди Президент.

Худудда 3 мингдан ортиқ иш ўрни очилиши айтилди. Уларга ишсиз ёшлар ва эҳтиёжманд оилалар, жумладан, хориждан қайтиб келган меҳнат муҳожирлари ишга олинад.

Президентимиз шундай ишчилар билан суҳбатлашди.

Шу ерда Фарғона вилоятида мева-сабзавотчилик ва гулчиликни ривожлантириш бўйича лойиҳалар тақдимот қилинди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Фарғона вилояти Фуқрат туманидаги “Уста Юсуфжон наққош” оилавий корхонасида бўлди.

Корхона раҳбари Мухаммадали Юнусов миллий ёғоч ўймакорлиги мактабининг муносиб давомчиси. Унинг ишлари юртимиздаги кўплаб макбара ва янги мажмуаларга қўрғ бағишлаган. Қўлигул хўнаманд Ўзбекистон халқ устаси унвонига сазовор бўлган.

Мухаммадали Юнусов ижодида “паргори”, “шарафа”, “муқарнас” ва “ислимий” услублар устувор. Нақшкор устулар, қурси, лавҳ, қўтича ва бошқа оилавий буюмлар ҳаммаша харидордир.

Устанинг шоғирдлари кўп. Шу боис корхонага кенг шароит яратиш мақсадида янги бино қурилмоқда.

— Ота-боболаримиздан мерос ҳўнарни асраб-авайлаб, ёш авлодга етказётганимиз, ёшларни ишли қилаётганимиз учун раҳмат, — деди Президент. Улар тadbиркорлик турларини янада оммалаштириш керак. Бу ҳам маданият, ҳам маърифат, ҳам иқтисодиёт.

Давлатимиз раҳбари мазкур оилавий корхона ёнида мактаб ташкил этиш, унда ҳўнарлар билан бирга математика, геометрия, физика, кимё каби фанларни ҳам қўқурлаштириб ўқитиш муҳимлигини таъкидлади. Тошкент, Самарқанд, Хива ва Бўхорода ҳам шу каби ёғоч ўймакорлиги марказлари ташкил этиш бўйича топшириқ берди.

Президент Фарғона вилояти Бувайда туманида қурилган мебелсозлик мажмуасини бориб кўрди.

Бувайдада кўпчилик уста дурдодор. Оилалар ўз уйида эшик-роғлар тайёрлаб сотади. Уларнинг маҳсулотлари Фарғона водийсидан ташқари Тошкент шаҳри, узоқ вилоятларга етказиб берилади.

Лекин ҳўлида шароитлар етишмасди. Об-ҳаво, шовқин ноқулайлик тўғдирарди. Бувайдалик хўнамандларга қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсадида маҳаллада мебелсозликка иктисослаштирилган мажмуа барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги шароитларни кўздан кечирди. Бир қаватли биноларда ишлаб чиқариш устaxonалари, икки қаватли биноларда савдо, қўғазма ва маъшиий хизмат хоналари жойлашган.

Президентимиз янги бинода иш бошлаган хўнамандлар билан суҳбатлашди.

— Булар бу кўнга машаққат билан келган. Энди ҳар кўни ишлашга ҳам тайёр. Фақат бунинг учун барқарор хом ашё ва бозор керак. Давлат шу жиҳатдан ёрдам берса, хўнамандларнинг иши юришади, шоғирдлари кўпаяди, даромади ошади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис Қорақалпоғистон ва вилоятларда мебелбop дарахтлар етиштириш, қайта ишланган ёғоч маҳсулотлар тайёрлашни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мажмуада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ички бозордан ташқари Қўғоғистон, Тожикистон, Қўғизистонга экспорт қилиш режалаштирилган. Мажмуа тўлиқ ишга тушган, 3 минг 700 дан зиёд кишиларнинг бандлиги таъминланиши мўқжалланган.

Президент Шавкат Мирзиёев Фарғона вилояти Учкўприк туманида бунёд этилаётган Енчил саноат ва логистика марказига борди.

Бу мажмуа ҳам Президент ташаббусининг натижаси. Учкўприкда тикувчи аёллар, оилавий корхона ташкил этган, маҳалладошларини ишли қилган тadbиркорлар кўп. Лекин улар мостлаштирилган шароитларда ишлар, бу бизнесни кенгайтиришга ҳалал берад эди.

Давлатимиз раҳбари вилоятга аввалги ташрифи чоғида тadbиркор аёллар билан суҳбатлашиб, улар учун замонавий мажмуа қурилишига ваъда берган эди. Шу асосида 2021 йил 27 май куни “Фарғона вилоятининг Учкўприк туманида енчил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни, логистика ва савдо тармоқларини ривожлантириш чора-тadbирлари тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.

Бугунги кўнда 15 гектар ер ажратилиб, кўп қаватли бино барпо этилмоқда. Бу ерда 316 та ишлаб чиқариш цехи, 336 та савдо дўкони, 560 та савдо растаси бўлади. Шунингдек, 2 та логистика маркази ташкил этилади. Натижада Бобoшбек, Бекмурод, Зинир, Палоҳон ва Яқмамўлла каби маҳаллалардаги юзлаб тadbиркорларга замонавий қулайлик яратилади.

Масалан, биргина Бобoшбек маҳалласида 5 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Улар тайёрлаётган маҳсулотлар Қўғон бозори орқали юртимиз ҳудудлари, қўшни мамлакатларга етиб бормоқда. Энди замонавий

шароитлар самарасида бу кўлам янада кенгайди.

Президентимиз бу ерда иш бошлаган тикувчилик корхоналари фаолияти билан танишибди, тadbиркорлар ва харидорларга яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Мажмуада йилига 876 миллилард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 18 миллион долларлик экспорт қилиниши мўқжалланган. Жами 7 минг 700 дан ортиқ фуқаролар доимий иш ўрнига эга бўлиши мумкин.

Қўштепа туманида ҳам яна бир тўқимачилик корхонаси қурилмоқда. “Global textile infinity” масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилаётган бу фабрика йилига 18 миллион метр юқори сифатли мато ҳамда 2 минг тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Давлатимиз раҳбари тўқимачиликда қайта ишлаш даражасини ва маҳсулотлар ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Бугун бозор бешафқат. Бу рақобатта муносиб бўлиш учун тadbиркорнинг қамиди беш иллик мўқжали, сифат қафолати, таннархда ўзининг резерви бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Маргилон шаҳрида ташкил этилган Ёшлар саноат ва тadbиркорлик зонасида бўлди.

Наврўз маҳалласи ҳудудидати бу жой илгари тошлоқ, фойдаланилмайдиган ер эди. Лекин коммуникация ва логистика жиҳатидан жуда қўлай.

Шу боис 7 гектар майдонда ушбу саноат зонаси ташкил этилди. Бу ерда тўқимачилик, чарм-пойабзал, мебелсозлик, озиқ-овқат саноати бўйича 28 та лойиҳа жойлаштирилган. Бугунги кўнда уларнинг 12 таси ишлаб чиқариш фаолиятини бошлаган. Барча корхоналарда мингдан ортиқ иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари корхоналардан бирда ишлаётган аёллар билан суҳбатлашди.

— Инсон қадрини улуғлаш бўйича ҳаракатларимизда аёлларга алоҳида аҳамият қаратилмиш. Аёл бу — оила дегани, баркамол фарзандлар дегани. Нима учун “аёллар дафтар”и ташкил қилиш? Ҳар бир эҳтиёжманд хотин-қизга эътибор қилиш учун. Сизнинг ҳам баъзиларингиз “менинг қўлимдан келмайди” деб ўйлаган бўлишингиз мумкин. Қила олар экансиз-ку. Сизларда мана шундай ишонч бўлиши учун, қизларимиз касб-ҳўнарли бўлиш учун бундан кейин ҳам ҳамма имкониятларни ишга солашим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бундай саноат зоналарини чекка туманларда ҳам очиб, унга ёшларни жалб этиш, касбга ўргатиш ва тadbиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича топшириқ берилди.

Президентимиз Тошлоқ туманидаги “Agro iprex valley” масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан ҳам танишибди. Қиймати 100 миллилард сўмдан зиёд бўлган ушбу корхона 2020 йилда ишга туширилган. Бу ерда “Амира текстиль” белгиси остида тайёр қилин-кечаклар ишлаб чиқаришмоқда. Шунингдек, ёзги пойабзалларнинг устки қисми ҳам тайёрланади.

Давлатимиз раҳбари шу ерда Тошлоқ туманида ишлаб чиқарилаётган саноат ва хўнамандчилик маҳсулотларини кўздан кечирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Фарғона вилоятига ташрифи давом этмоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз МУСАЕВ,
Масъуджон СУЛЎЙМОНОВ,
Ўза мухбирлари.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2022 – 2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида

Мактаб ўқувчиларининг билими ва кўникмаларини шакллантириш, уларни миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш, ўқитувчи касби нуфузини ва педагогларнинг сифат таркибини ошириш, дарсликлар ва ўқув методик мажмуаларни замон талаблари асосида такомиллаштириш, халқ таълими муассасаларининг халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий моделларини барпо этиш мақсадида, шунингдек, 2022 — 2026 йилларга

мўқжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ;

1. **2022 — 2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастур** (кейинги ўринларда — Ривожлантириш дастури) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Куйидагилар Ривожлантириш дастурининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Халқ таълимини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “2022 — 2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-134-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш ва бу борада мактаб директори, ота-оналар ва маҳалла раислари масъулиятини қучайтириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бир-

галикда **2022 йил 1 сентябрдан** бошлаб республиканинг барча туман (шаҳар)лари кесимида **намунали мактаблар** рейтингини (кейинги ўринларда — рейтинг) шакллантирсин ва эълон қилиб борсин.

Белгилансинки: рейтинг доирасида ҳар ўқув йили якунида умумий ўрта таълим муассасаларида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар ҳолати Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган мезонлар бўйича **баҳолаб борилади**;

умумий ўрта таълим муассасаларида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар ҳолатини баҳолаш ва рейтингни юрийтиш учун туман (шаҳар) халқ таълими бўлиmlари бошликлари раҳбарлигида **махсус комиссиялар** тузилади;

умумий ўрта таълим муассасалари рейтинг кўрсаткичлари асосида **“яшил”, “сарик” ва “қизил”** тоифаларга ажратилади;

(Давоми 2, 3-бетларда).



МУШТАРАК ТАРИХ, ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ВА ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ

Аввал хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон Олий Мажлиси делегацияси ташриф билан Туркменистонда бўлиб турибди.

Парламентларо форум

Кеча Туркменистон пойтахтида Марказий Осиё мамлакатлари ва Россия Федерациясининг биринчи парламентларо форуми бўлиб ўтди.

Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов иштирокчиларга таъриқ йўллади. Унда “Марказий Осиё — Россия Федерацияси” форматидagi парламентларо форум иштирокчи давлатларнинг анъанавий дустона муносабатларини янги босқичга олиб қиқашга хизмат қилишига ишонч билдирилган.

Туркменистон Президентининг мурожаатида таъкидланганидек, “Туркман халқи дўстлик ва қардошлик, халқлар тинчлиги ва бирлигини юксак қадрлайди. Маънавий-маданий қадриятлар муштараклигидан келиб чиқадиган ўзаро манфаатли ҳамкорлик Марказий Осиё мамлакатлари ва Россия Федерацияси ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкам пойдеворидир. Халқларимизни асрларга бориб тақаладиган тарих,

азалий яхши қўшничилик, дўстлик ва қардошлик ришталари боғлаб туради”.

Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда Россия Федерацияси парламентларо форуми тантанали мажлисининг очилиши Туркменистон Халқ Маслаҳати Миллий Генгеши раиси Гурбангули Бердимухамедов ҳамда Россия Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши раиси Валентина Матвиенконинг кириш сўзлари билан бошланди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева ўз нутқида сўнгги 30 йилда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари ва Россия билан муносабатлари барқарорлашиб, ўзаро ҳамкорликнинг барча йўналишида жадал ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Турли даражадаги делегацияларнинг ўзаро ташрифлари жадаллашиб бораётганини бунинг ёрқин мисолидир.

Минтақа давлатлари ҳамда Россия Ўзбекистон учун нафақат

жўғрофий жиҳатдан яқин мамлакатлар, балки вақт синовидан стратегик шериклар ҳам ҳисобланади.

Эътиборлиси, ушбу ҳамкорлик очкилик, ўзаро ишонч ва ҳурмат, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойили асосида изчил ривожланиб бормоқда.

— Бугунги кўнда Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари ва Россия билан ўзаро ҳамкорлиги стратегик шериклик ҳамда айримлари билан иттифоқчилик даражасига кўтарилган бўлиб, бунда давлатларимиз раҳбарларининг сиёсий иродаси ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда, — деди Сенат Раиси.

Шунингдек, тadbирда Марказий Осиё давлатлари ва Россия ўртасидаги икки томонлама савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлигини фаоллаштиришда парламентларнинг кўмаги муҳимлигига ҳам ўрғу берилди. Шундан келиб чиқиб, юқори даражада эришилган қелишувларнинг амалий ижросини таъминлаш мақсадида ўзаро савдодаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этишга хизмат қиладиган, иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтириш имконини берадиган зарур ҳуқуқий базани яратиш тақлифи илгари сурилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И
ХАЛҚ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиш 1, 2-бетларда).

11. Белгилаб қўйилсинки, Халқ таълими вазирлигининг: таълим беришга мўлжалланган бинолари ва иншоотларини таълим соҳасидан ташқари **бошқа мақсадлар учун юридик ва жисмоний шахсларга берилиши тақиқланади;** таълим беришга мўлжалланган, бўш турган бинолари ҳамда иншоотларини бошқа жисмоний ва юридик шахсларга бериш улар жойлашган ҳудуднинг камида 5 йиллик демографик кўрсаткичларини инобатга олиб, **халқ таълими вазирининг розилигини олган ҳолда** амалга оширилади.

12. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2022 йил 1 сентябрдан** бошлаб: халқ таълими тизимидаги муассаса ва ташкилотлар раҳбарлариغا бюджетдан ташқари маблағларини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқи берилади;

2025 йил 1 январга қадар халқ таълими тизимидаги муассаса ва ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга **ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз микдорида** белгиланади; қўшимча хизмат кўрсатишдан тушган бюджетдан ташқари маблағларни яширган, шунингдек, ходимларга норасмий иш ҳақи тўлаган халқ таълими тизимидаги муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари зиммасига:

Халқ таълими тизimini ислоҳ қилиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан тасдиқланган ҳудудий дастурларда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш;

ҳар чорақда ҳудудий дастурда белгиланган вазифалар ижросини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ва халқ депутатлари вилоят Кенгашлари сессияларида муҳокама этиб бориш ҳамда Халқ таълими тизimini ислоҳ қилиш бўйича миллий кенгашга бу ҳақида ахборот киритилишини таъминлаш;

ҳудуддаги халқ таълими муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг инфратузилмасини яхшилаш;

халқ таълими муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш, инфратузилмани (тротуарлар, йўллар ва бошқалар) зарур ҳолда тақлаш бўйича буюртмачи функциясини амалга ошириш;

халқ таълими муассасаларини электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви, зарур санитария-гигиена шaroитлари ва бошқа коммунал хизматлар билан узлуқсиз таъминлаш;

туманлар (шаҳарлар)ни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сектор раҳбарлари билан биргаликда халқ таълими муассасаларини ўқув йилига ва куз-қиш мавсумига ўз вақтида ва самарали тайёрлаш тадбирларини амалга ошириш;

умумий ўрта таълим муассасаларининг хавфсизлигини таъминлаш, шу жумладан, ҳудудлар атрофини ўраш, уларга ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича инспекторларни

бириктириш, видеокузатув камералари ва ёнғинга қарши сигнализация тизимларини ўрнатиш чораларини кўриш;

халқ таълими муассасалари ҳудудининг ва кўчмас мулкнинг бутунлигини ҳамда дахлсизлигини белгиланган тартибда таъминлаш;

умумий ўрта таълим муассасаларини ривожлантириш учун инвестицияларни ва ҳомийлик ёрдамини жалб қилишга кўмаклашиш; халқ таълими муассасаларига кўмаклашиш масалалари бўйича вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини белгиланган тартибда эшитиш;

ўқитувчи касби мақоми ва обрўсини ошириш, уларга муносиб меҳнат шaroитларини яратиш, педагогларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига йўл қўймаслик ва фаолиятига аралашмаслик;

ўқувчилар онгига ватанпарварлик туйғуларини ва миллий қадриятларни сингдириш, бой маданий-тарихий мерос, миллий ўрф-одатлар, буюк аجدодларимиз маънавий меросини ўрганишлари учун шaroитларни яратишда сектор раҳбарлари ва мутасадди ташкилотларни кенг жалб этиш;

соҳа ходимлари, таълим муассасалари раҳбарлари, педагогларнинг Янги Ўзбекистон тараққиётидаги шахсий ҳиссаси, ўқувчиларни ҳар томонлама етук авлод этиб тарбиялашдаги масъулиятларини ҳис этишлари учун тарғибот ва ташуиришлар олиб бориш;

раҳбар ва педагог кадрлар томонидан таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларни, соҳада жорий қилинаётган янгиликларни янада кенгроқ тарғиб этилиши, ўқувчиларнинг касбий

ва шахсий ривожланишлари учун керакли бўлган маълумотларни олишлари учун имкониятларини кенгайтириш, уларнинг билими ва тафаккурини ошириш мақсадида халқ таълими йўналишидаги босма нашрларни таълим муассасаларига етказиб беришни таъминлаш вазифалари юклансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

15. Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб халқ таълими вазири Б.О.Саидов, молия вазири Т.А.Ишметов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шoҳри,
2022 йил 11 май

ҚАШҚАДАРЁДА ЎРМОН ХЎЖАЛИКЛАРИ
ҚАНДАЙ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОҚДА?

Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси Баҳодир Тожиев бошчилигидаги ишчи гуруҳ томонидан Қашқадарё вилояти ўрмон хўжаликлари фаолияти ўрганилди, атрофлича таҳлилдан ўтказилди.

Таҳлил

Маълум бўлишича, вилоятдаги ўрмон фон-ди ер майдонлари 326 минг 44 гектардан иборат.

Шу йилнинг ўтган даврида ўрмон хўжаликлари томонидан 41 гектар майдонда янги кўчат-хоналар ташкил этилган. Яъни 15 гектар майдонда ниҳолхоналар ҳамда 26 гектар майдонда тарбия бўлимлари барпо қилинган. Бу орқали йил охирига қадар 20 миллион тупдан ортиқ манзарали ҳамда мевали дарахт ниҳоллари ва кўчатлари етиштириш режалаштирилган.

Эътироф этилганидек, жорий йил биринчи чорагида вилоят бўйича 1 минг 100 гектар майдонда ўрмонзор барпо қилиш ишлари амалга оширилган. Шундан 660 гектар ёнғок, 300 гектар чўл ўсимликлари, 55 гектар тез ўсувчи турлар, 40 гектар мевали дарахтлар ҳамда 45 гектари бошқа турлардан иборат. Йил якунига қадар ўрмонзорлар ҳажми 3 минг 273 гектарга етказилди.

Ҳудудда “Яшил макон” умуммиллий лойи-ҳаси доирасида ҳам салмоқли ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Хусусан, куз мавсумида 800 минг туп ҳамда баҳор мавсумида 450 минг туп, жами 1 миллион 250 минг дона манза-

рали ва мевали дарахт, бута кўчатлари вилоятдаги корхона ва ташкилотлар ҳамда аҳолига етказиб берилган.

Вилоятнинг 11 туманида Ўрмончилар кўчаси ташкил қилин-либ, 8 минг 700 туп ҳар хил тур-даги манзарали ва мевали дарахт ҳамда бута кўчатлари ўтказилган, доимий парваришлаш ишларини амалга ошириш учун масъулла-р бириктирилган.

“Яшил йиллик” умуммиллий тадбири дои-расида “Қашқадарёйўлкўкалам” УКГА 800 минг, вилоятдаги маҳаллаларга 560 минг тупдан эъёд, жами 1 миллион 360 минг дона терак ва бошқа турдаги қаламчалар етказиб берилган.

Қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ва етиштириш мақсадида жорий йил ҳосили учун



310 гектар майдонда бошоқли дон экинлари экилган бўлиб, 500 тонна дон маҳсулотлари олиш кутилмоқда.

Ўз навбатида, доривор ўсимликлар учун 900 гектарлик плантациялар барпо этилган бўлиб, мавсум охиригача 1 минг 300 тонна доривор ҳамда озуқабоп маҳсулотлар етиш-тириш йўлида самарали меҳнат қилиняпти.

Мазкур ўрганиш натижалари Сенат қўми-тасининг мажлисида муҳокама этиллади.

«Халқ сўзи».

МУШТАРАК
ТАРИХ, ЯХШИ
ҚЎШНИЧИЛИК ВА
ҚАРДОШЛИК
РИШТАЛАРИ

Ўз навбатида, гуманитар ва ёшлар алоқаларини мустаҳкамлаш, туризм соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда пандемиядан кейинги барқарор тикланиш бўйича амалий ҳамкорлик масалалари таҳлилдан ўтказилди.

Умуман, форум доирасида ҳозирги глобаллашув даври билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳал этишда миллий парламентларнинг ўрни, Марказий Осиё ёш мамлакатлари ва Россия ўртасидаги парламентлараро алоқалар ҳолати ва уларни кенгайтириш истикболлари, шунингдек, янги норматив-ҳуқуқий механизмлар масалалари муҳокама қилинди.

Марказий Осиё ёш мамлакатлари ва Россия Федерациясининг биринчи парламентлараро форуми доирасида тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Куннинг иккинчи ярмида Форум иши ялпи мажлислар доирасида давом этди.

Парламент аъзолари қонун қирувчи орган фаолияти ва ҳамкорлиги, тиббий дипломатия ҳамда барқарор ривожланиш ва экологик фаровонлик йўлидаги минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалаларини кўриб чиқишди.

Мажлисида иштирокчи мамлакатлар делегациялари раҳбарлари сўзга чиқди. Жумладан, Туркманистон Халқ Маслаҳати Миллий Ёнгешси раиси ўз сўзида тантанали мажлис якунларини сарисоиб қилди.

Марказий Осиё ёш мамлакатлари ва Россия Федерацияси парламентлараро форуми якунланди. Ўзбекистон Олий Мажлиси делегациясининг Туркманистонга ташрифи давом этмоқда.

Шунингдек, давлат фуқаролик хизматини тартибга солиш бўйича

«Халқ сўзи».

БОШҚАРУВНИНГ ИЛҒОР МЕЪЁРЛАРИ
ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ



Яқинда Олий Мажлис Қонунчи-лик палатасида Ўзбекистон Рес-публикасининг “Давлат фуқаро-лик хизмати тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун дав-лат хизматчилари томонидан кўпдан бери қўтилаётган муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Фикр

муқофотлар олиш, ҳуқуқий, ижти-моий ҳимоя билан таъминланиш, хавфсиз ва адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш кабилар белгиланаётди.

Давлат фуқаролик хизматчилари-га ўз хизмат вазифаларини виждо-нан бажариш, одоб-ахлоқ қоидала-рига риоя этиш, ўз аҳолатидан шахсий ва бошқа қўнғига хилоф мақ-садларда фойдаланишга йўл қўймас-лик каби мажбуриятлар юклатилмоқ-да. Қолаверса, давлат фуқаролик хиз-матчилари томонидан ўзаро яқин қариндошликда бевосита бўйсунув остидаги лавозимини эгаллаш, тад-биркорлик билан шугулланиш, ўз хизматини бажариши эвазига фуқаролардан муқофот олиш, республикадан ташқарида ҳисоб ра-қамлар очиш каби ҳолатларга чек-лов қўзда тутилмоқда.

Энг долзарб масалалардан бири соҳада коррупциянинг олдини олиш ҳисобланади. Бунинг учун тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш-нинг ҳуқуқий асослари яратилмоқда.

Жумладан, давлат фуқаролик хиз-матчиларининг фаолияти энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) асосида баҳоланиши, коррупцияга оид жиноятларни содир этган шахслар давлат фуқаролик хизма-тига қабул қилинмаслиги, давлат фуқаролик хизматчиларининг даро-мада ва мол-мулкни декларация-лаш тизими жорий қилиниши, улар-нинг одоб-ахлоқ қоидалари белги-ланмоқда.

Шунингдек, давлат фуқаролик хизматига кириш очик танлов асо-сида бўлиши, давлат фуқаролик хиз-матчисининг бошқа лавозимга ўтказилиши, ротация қилиниш, меҳ-натига ҳақ тўланиш, рағбатланти-риш ва меҳнат шартномасининг бе-кор қилиниш тартиблари аниқ кўр-сатилмоқда. Бундан бўён давлат фуқаролик хизматчисига нисбатан хизмат текшируви ўтказилиши қонунда кўрсатилаяпти. Уни ким, қайси ҳолатларда, қанча муддатда ўтказиши, натижаси ва тартиблари алоҳида моддада мустаҳкамлаб қўйилаяпти.

Давлат фуқаролик хизматчила-рининг ижтимоий ҳимояси ҳам му-ҳим масала ҳисобланади. Шу маъ-нода, алоҳида боб ва моддаларда уларни ҳуқуқий, ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш назарда тутилган. Уму-ман, ушбу қонун соҳадаги муноса-батлар тартибга солинишида, бошқарувнинг илғор меъёrlари жорий этилишида муҳим қадам бўлиб хизмат қилады.

Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

ДЕҲҚОНЛАР КУТГАН
ИСЛОҲОТЛАРНИНГ
ЯНГИ БОСҚИЧИ
БОШЛАНДИ

Аҳолининг озиқ-овқатга бўлган энг бирламчи эҳтиёжи ун маҳсулотлари билан боғлиқ. Сайловчилар билан ўтган учрашувларда ун маҳсулотларига эҳтиёжни қондириш энг кўп тушган мувожаатлардан бўлса, фермерлар томонидан эса асарият ҳолларда бошқа бир муаммо — етиштирилган галлани биржа савдоларида бемалол сота олмасликлари боис талаб ва тақлиф мувозанати бузилиши, натижада аҳолининг мазкур маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини тўлақонли қондириш имкони бўлмаётгани маълум қилиниши ҳам буни кўрсатиб турибди.

Муносабат

Мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини таъминлаш доимий эътибордаги масала са-налади. Бунда галлачилик му-ҳим ўрин тутаяди. Давлатимиз раҳбари раислигида галлачи-ликдаги ислохотларнинг энг му-ҳим босқичига бағишлаб ўтқа-зилган йиғилишда соҳадаги муаммолар, ҳал этилиши ло-зим бўлган устувор вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Ҳаммамиз кўриб турибмиз, дунёнинг айрим минтақалари-даги таҳликали вазият сабаб, ҳаҳон бозорида озиқ-овқат нархлари юқори суратлар бил-лан ўсиб бормоқда. Жумладан, ҳозирги кунда халқро биржа-ларда 1 тонна бугдой 400 дол-лардан сотилмоқда ва йил бо-шидагига нисбатан 30 фоизга ошди. Бундай вазиятда нарх-наво барқарорлигини таъмин-лашнинг ягона ва тўри йўли, бу — фермерлар манфаатдор-лигини таъминлаш, ҳосилдор-ликини ошириш орқали бозорда тақлифни кўпайтириш ҳисо-бланади.

Президент Шавкат Мирзиёев 11 май кунги галла-чиликдаги ислохотларнинг му-ҳим босқичига бағишланган йи-ғилишда бу борада масаланинг аниқ ечимини илгари суриб, галлачиликда бозор механиз-мларини тўлиқ жорий этиш за-рурлигини таъкидлади. Бу ис-лохотлар пухта ҳисоб-китоб қилиниб, босқимча-босқич амалга ошириб келинаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Масалан, соҳада хусусий сек-торга кенг йўл очилгани тўғай-ли унинг улуши тобора ортиб бормоқда. Сўнгги уч йилда ҳудудларда қуввати қарийб 3 миллион тонна бўлган 160 дан ортиқ йирик хусусий дон корхо-налари иш бошлади. Лекин бу-гунги кунда “Ўздонмаҳсулот” компанияси тарҳибидаги 43 та дон корхонаси бозор шaroит-

ларида самарали фаолият кўрсата олмапти. Шу пайтгача компания тарҳибидаги дон кор-хоналари фермерлардан тайёр бугдойни қабул қилиб, уни қайта ишлаш билан шугулланиб кел-ган. Энг ачинарлиси, давлат дон корхоналарида талон-торож қилиш ҳолатларига ҳалигача барҳам берилмаган.

Давлатимиз раҳбари соҳада бу каби камчиликларни бартар-аф этиш ва тизимни самара-ли йўлга қўйиш мақсадида жо-рий йил 1 июндан бошлаб галла-ларни давлат томонидан сотиб олиш ва сотишда бозор нарх-ларига ўттиши, шу билан бир-га, фермер ва кластерлар ўзла-ри етиштирган галласини бир-жа савдоларида олиб чиқишлари учун ҳам барча имкониятлар яратилишини таъкидлади. Шу-нингдек, давлат ресурслари учун сотиб олинладиган 1 тонна буг-дой нархи ўтган йилдаги 1 мил-лион 550 минг сўмдан жорий йил ҳосили учун 3 миллион сўмга, яъни 2 бараварга оши-рилиши маълум қилинди.

Дон етиштиришда давлат буюртмасини босқимча-босқич бекор қилиш ва ҳаққий галла бозорини яратиш борасидаги хатти-харакатлар уч йил олдин бошланган бўлса, бугун халқи-миз, фермер-деҳқонларимиз анчадан бўён кутган ушбу ислохотларнинг янги босқичи бошланди.

Умуман, йиғилишда халқи-мизнинг турмуш тарзини яхши-лаш, бирламчи эҳтиёжини са-марали қондириш билан боғ-лиқ асосий йўналишлар бел-гилаб берилди. Мазкур вазифа-лар ижроси дастурҳонимиз тўқилниги, фермер ва деҳқон-ларимизнинг меҳнатлари нати-жасидан манфаатдорлигини оширишга хизмат қилады.

Анваров ТЕМИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

НАВОЙИ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҚҲЙИДАГИ ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

I. Кафедра мудири:
Ижтимоий-гуманитар фанлар.

II. Куйидаги кафедралар профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистентларига:

Кончилик иши: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин.
Ноёб ва радиактив металллар рудаларини казиш ва қайта ишлаш: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.

Кончилик электр механикаси: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.

Хаёт фаолияти хавфсизлиги: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.

Ўзбек ва чет тиллар: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.

Агрономия: доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
Машинасозлик технологияси: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.

Электр энергетикаси: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин.

Умумий физика: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.

Автоматлаштириш ва бошқарув: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.

Ижтимоий-гуманитар фанлар: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.

Олий математика ва ахборот технологиялари: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.

Металлургия: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.

Кимёвий технология: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.

Иқтисодиёт ва менежмент: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши шарт:

- Ректор номига ариза.
- Кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа (сўровнома).
- Маълумотнома (объективка).
- Олий маълумот тўғрисида диплом.
- Илмий даража, илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар, иктиролар мавжуд бўлган тақдирда, уларга тегишли дипломлар, аттестатлар.
- Илмий-услубий ишлар.
- Малака ошириш тўғрисида гувоҳномалар.
- Паспорт нусхаси.

Изоҳ: Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: Навоий шаҳри, Ғалаба шоҳқўчаси, Навоий давлат кончилик институти, ўқув-услубий бўлими.
Мурожаат учун телефон: 79-223-57-33.

ЭЪЛОНЛАР

ЎЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ
ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ» АКЦИЯДОРЛИК
ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ
ЙИҒИЛИШНИНГ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ ХАБАР

Жамиятнинг номи: «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамияти.

Жойлашган жойи: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темуր шоҳқўчаси, 101-уй.

Электрон почта манзиллари: info@abu.uz, webmaster@nbu.uz.

Умумий йиғилиш ўтказиш санаси ва манзили: 2022 йил 28 май, соат 10.00. Тошкент шаҳри, Амир Тему́р шоҳқўчаси, 101-уй.

Акциядорларнинг реестри шакллантириладиган сана: 2022 йил 24 май.



Кун тартибига киритилган масалалар:

- Банк қузатув кенгаши ва бошқарувининг йиллик ҳисоботи. Банкнинг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини кўриб чиқиш.
- Банк тафтиш комиссияси ҳулоасасини эшитиш.
- «Ўзмиллийбанк» АЖнинг 2021 йил учун соф фойдасини тақсимлаш.
- Қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш.
- «Ўзмиллийбанк» АЖ устав капиталини ошириш ва банк уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш.
- Банк қузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
- Банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
- Банк бошқаруви раиси ва аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаларини бир йил муддатга узайтириш.

ИС ГАЗИДАН ЗАҲАРЛАНИШ ҲОЛАТЛАРИ ОРТГАН

Статистик маълумотларга кўра, 2020-2021 йилларда ҳамда 2022 йилнинг ўтган даврида ис газидан заҳарланиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида юртимиздаги 8 миллиондан ортиқ хонадонлар иситиш тизимлари, дудбўронлари кўриқдан ўтказилган.

Ўрганиш

Ис газидан заҳарланишнинг олдини олишга доир қонунчилик ижроси бўйича прокуратура органлари томонидан 105 та текшириш ўтказилган. Аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан мутасадди ташкилотларга 30 дан ортиқ тақдимнома, 25 маротаба огоҳлантирув қиритилган, 25 нафар шахсга интиминоий, 4 нафар шахсга нисбатан маъмурий жавобгарлик чораси қўлланилган.

Бирок ўтказилаётган профилактик тадбирлар ис газидан заҳарланиш ҳолатларининг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатлар етарли даражада самара бераётганлигини кўрсатмоқда. 2020-2021 йилларда ҳамда 2022 йилнинг биринчи чорагиди ис газидан за-

ҳарланиш билан боғлиқ 428 та ҳолат содир бўлиб, 366 нафар фуқаро вафот этган ва 307 нафари турли даражада жароҳатланган.

Шулардан келиб чиқиб, кеча Олий Мажлис Сенатининг Мудоффа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзолари иштирокидаги ишчи гуруҳ Самарқанд вилоятида ўрганиш ишларини бошлади.

Ўрганишлар давомида “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуннинг ижроси, хусусан, ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ишлар, хизматлар кўрсатиш, ис газидан заҳарланиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича кўрилатган чораларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Халқ сўзи».

ГЕОГРАФИК ОБЪЕКТЛАРГА НОМ БЕРИШДА ФУҚАРОЛАР ТАШАББУСИ ИНОБАТГА ОЛИНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасида “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Қонунчилик палатасида

Парламент қўйи палатаси депутатлари, тегишли соҳа вакиллари, вазирлик ва идоралар масул ходимлари, эксперт ҳамда олимлар қатнашган йиғилишда қонун лойиҳаси қизғин муҳокама қилинди, уни янада тақомиллаштириш, пишиқ-пукта ҳолатга келтириш бўйича қатор таклифлар илгари сурилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган шахслар, шу жумладан, жамоат ва давлат арбобларининг хотирасини абадилаштириш мақсадида уларнинг номини географик объектларга бериш тартиби қонунчиликда аниқ тартибга солинмаган. Бу эса амалиётда географик объектларга шахс номини беришда турли

муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси кўчалар, шохкўчалар, маҳаллалар, майдонлар, болгалар ва аҳоли пунктларининг бошқа тарқибий қисмларига айрим одамлар, жамоат ва давлат арбоблари исми-шарифини беришни тартибга солишга хизмат қилади.

Йиғилишда сўз олганлар қонун устувор бўлган давлатда эркинлик, адолат, тенглик кафолатланганини қайд этиб, қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини билдириб ўтишди.

Айни пайтда қўмитада қонун лойиҳасини тақомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

ДЕПУТАТ ВА ЁШЛАР УЧРАШУВИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Депутат ва ёшлар” учрашуви доирасида қўйи палатадаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари ва пойтахтимизнинг Чилонзор туманидан келган бир гуруҳ фаол ёшлар мулоқоти бўлиб ўтди.

Мулоқот

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари У. Иноятов ўз сўзида мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этишда улуг мақсадга эришиш йўлида ёшларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларга барча соҳаларда ўз иқтидорини ва салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш бораида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Президентимизнинг шу йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчилиси лавозимли жорий қилингани қайд этилди.

Ёшлар етакчиси давлат билан тенгқурали ўртасида ўзига хос қўлриқ бўлиб, ёшларнинг манфаати ва муаммоларини таҳлил қилаётгани, уларнинг мавжуд қобилиятидан келиб чиқиб, тўғри мақсад сари йўналтирётгани айтиб ўтилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда Ўзбекистон ХДП Марказий ҳамда ҳудудий кенгашлари

хузурида 2006 йилда ташкил этилган “Истикбол” ёшлар қаноти самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳозирги кунда партия сафидаги ёшлар сон 235 мингга етган бўлиб, улар орасидан 1 нафари Қонунчилик палатасига энг ёш депутат сифатида сайланган.

Учрашувда парламент томонидан қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш амалиёти, мамлакатимизда ёшларга яратилаётган имкониятлар, юртимизда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, ёшларга доир қонунларнинг мазмун-моҳияти тўшунтирилди.

Сўз олганлар Президентимизнинг ёшларга оид сиёсатида иккита энг муҳим йўналиш борлигини, биринчиси, уларга замонавий билим бериш бўлса, иккинчиси, ёшлар бандлигини таъминлаш эканлигини таъкидлаб, кейинги йиллардаги ислохотлар, ташаббус ва янги тизимлар замирида ана шу мақсад муҳассамлигини қайд этди.

Яқунда ёшлар ўзларини қизқитирган саволларига депутатлардан атрофлича жавоб олди.

«Халқ сўзи».

МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯ БҲЙИЧА “ЙЎЛ ХАРИТАСИ” МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Пойтахтимизда бўлиб ўтган тадбирда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Ўсмирлар саломатлиги ва фаровонлиги бўйича Миллий стратегияни қабул қилиш, тасдиқлаш ва кучга киритиш бўйича “Йўл харитаси” муҳокама этилди.

Анжуман

Унда Олий Мажлис Сенати, Қонунчилик палатаси, Ҳукумат, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва илмий доиралар вакиллари иштирок этди.

Муҳокама давомида руҳий саломатлик, жароҳатлар, йўл-транспорт ҳодисалари, соғлом турмуш тарзи ва хулқ-атвор масалаларини ҳал қилишда жамоавий ёндашувни ўзига муҳассамлаган ушбу кенг қамровли стратегияни тасдиқлаш зарурлиги қайд этиб ўтилди.

Иштирокчилар таъкидлаганидек, мазкур ҳужжат тасдиқланса, мамлакат бўйлаб соғлиқни сақлаш, таълим ва болаларни ҳимоя қилиш каби соҳаларда ўсмирлар учун етарли молиялаштириш ва тармоқлараро ёндашувнинг татбиқ қилинишига олиб келади. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон-

ни халқаро ва минтақавий амалиётга мувофиқ ҳар томонлама ишлаб чиқилган стратегияни қабул қилишга янада яқинлаштиради.

Тадбирда иштирок этган ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Мунир Мамедзаде “Ўсмирлар саломатлиги ва фаровонлиги Миллий стратегиясини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати шафелигида барча тегишли ҳамкорлар ва тармоқлар ўртасида келишилган ҳамда мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатларни талаб қилади”, дея алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон аҳолисининг 5,5 миллионга яқин қисмини ўсмирлар ташкил этади. Миллий стратегия эса ушбу мақсадли гуруҳга эътибор қаратиш орқали демографик вазиятни янада яхшилашда муҳим аҳамият касб этади.

«Халқ сўзи».



Замон шиддат билан ўзгариб бора экан, ҳаётимизга ҳар қуни илм-фан, техника ва технологиялар, инновациялар билан боғлиқ янги-янги атамалар кириб келмоқда. “Киберхавфсизлик” атамаси ҳам истеъмолда кенг қўллана бошлаганига ҳали учра кўп бўлгани йўқ. Аммо бугунги ўзгаришлар, ахборот алмашинувининг тезлашиши бу борадаги билим ва кўникмаларни янада мустаҳкамлаш заруратини

тўғдирмоқда. Унинг бизга маълум бўлган вирусли дастурларни тарқатиш, паролларни бўзиб кириш, кредит карта ва бошқа банк реквизитларидаги маблағларни ўзлаштириш, талон-торож қилиш, шунингдек, интернет орқали қонунга зид ахборотлар, ҳатто инсон тақдир, келажаги билан боғлиқ бўҳтон, сохта маълумотларни тарқатиш билан башарият ҳаётига катта хавф солаётганидан кўз юма олмаймиз.

Нуктаи назар

Бугунги дунёда бу масала алоҳида эътибор марказига кўтарилган. Шунингдек, ҳар бир давлат ўз манфаати нуктаи назаридан ички имкониятлари доирасида тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқмоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам ахборот хавфсизлиги масалаларига давлат сиёсати даражасида катта эътибор қаратилмоқда. Бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонун шулар жумласидан.

лаш учун қўлланиладиган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий воситалар мажбурий тартибда сертифицирлаштирилиши лозим. Бу эса кибермаконда жиноятчиликнинг олдини олишга хизмат қилади.

Ахборот тизимлари ва ресурсларида аниқланган заифликлар, кибертаҳдидлар, киберхужумлар ҳамда бошқа бузғунчилик ҳаракатлари тўғрисидаги, шунингдек, ахборотлаштириш объектлари ҳақидаги ахборот уларни ҳимоя қилиш бўйича тегишли чоралар кўрилганидан кейин киберхавфсизлик субъектининг руҳсати билан ошкор қилиниши мумкин.

Мақсад — соҳада жиноятчиликни камайтириш

Айтиш жоизки, кейинги пайтда кибертерроризм ва унинг жамият ҳаётига солаётган хавфининг қўламини ошиб борапти. Кибертеррористик ҳаракат (киберхужум) — компьютерлар ва ахборот коммуникация воситалари ёрдамида амалга оширилаётган, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф тўғдирадиган ёки потенциал хавф тўғдиритиш ҳамда моддий объектларга катта зарар етказиши ёҳуд шунга олиб келиши мумкин бўлган, ижтимоий хавфли оқибатларнинг бошланиши ёки мақсади бўлган сиёсий сабабдир. Замонавий террорчилар учун кибермакондан фойдаланишнинг жозибадорлиги киберхужумни амалга ошириш катта молиявий харажатларни талаб қилмаслиги билан боғлиқ. Бундай ҳаракатлар “риволюнаётган давлатларнинг тараққиётига қўмаклашиш, умуминсоний демократик тамойилларни қарор топтириш” никоби остида фуқаролар онига таъсир ўтказиш, уларни турли йўлар билан ўз мақсадлари сари бўйсундириш орқали амалга оширилмоқда. Афсуски, бу жараёнда киберхужумларни уюштириш, бу йўлда интернет глобал тармоғининг мислсиз имкониятларидан “самарали” фойдаланишга уринишлар тобора авж олмоқда. Ижтимоий тармоқлар эгалари ушбу тармоқлар саҳифаларида давлат тузумини ағдаришга даъват қилингани учун жавобгарликка тортилишининг халқаро миқёсдаги ҳуқуқий асослари яратилмаган. Вақоланки, ҳар бир қилинган жиноий хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик мазмун-моҳияти-



га кўра, албатта, жавобсиз ва жазосиз қолмаслиги керак.

Таҳлилларга кўра, интернет сайтлари тўсатдан пайдо бўлиб, қўлпича формати, сўнгра манзиллини ўзгариштириш қўп учрайди. Шу боис айрим экспертлар интернетнинг буткул очиклиги каби дастлабки концепциялардан воз кечиб, унинг янги тизимига ўтишни таклиф этмоқда. Янги моделнинг асосий моҳияти тармоқдан фойдаланувчиларнинг анонимлигидан воз кечишидир. Бу тармоқнинг жиноий таъжовулардан янада кўпроқ ҳимояланган бўлишини таъминлашга имкон берди. Мисол тариқасида, ёпиқ тармок тизимига ўтган Хитой ва Россия давлатини келтиришимиз мумкин.

Жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашётган мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари, ахборот тизимлари ва замонавий компьютер технологияларидан самарали фойдаланиш бўйича изчил давлат сиёсати олиб борилмоқда. Бугунги кунда жорий этилаётган замонавий рақамли технологиялар фуқароларимизга қатор қўлайликлар ва имкониятлар беради бир қаторда, яратилаётган рақамли технологиялар ва ахборот тизимларининг хавфсизлигини таъминлаш муаммоси ҳам мавжуд эди, албатта. Бу, энг долзарб масалалардан бири — киберхавфсизлиқни таъминлаш, содир этилиши мумкин бўлган киберхавфсизлигини олдини олиш ва унга қарши курашиш масаласи ҳисобланади. Кундан-кунга тақомиллаштириб кетаётган кибержиноятчиликка қарши киберхавфсизлиқни таъминлашда бир қатор талабларни бажариш орқали улардан ҳимояланиш, яъни киберхавфсизлиқни таъминлашимиз мумкин. Масалан, ходимларга ахборот хавфсизлиги асосларини ўргатиш, фойдаланаётган дастурий маҳсулотларнинг заифликларини доимий синовдан ўтказиш,

ишончли антивирус дастуридан ва лицензияланган расмий дастурлардан ҳамда ахборот тизимларини ҳимоялашда қўп факторли аутентификациядан фойдаланиш, кучли паролни сақлаш сиёсатида рияз қилиш, мунтазам равишда компьютер қаттиқ дисклариди маълумотларни шифрлаш.

Шу ўринда мамлакатимизда кибержиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашни олиб борувчи ваколатли давлат идораларига ҳам муайян вазифалар юканишини алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусан, улар кибержиноятчиликка қарши кураш фаолиятида Ўзбекистон Республикаси ва унинг халқини ахборот технологиялари ва коммуникацияларни орқали амалга оширилаётган ёки бунга имкон бераётган шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини, уларнинг манфаатлари ташқи ҳамда ички кибертаҳдидлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш, мазкур соҳада қонунийлик ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, кибержиноятлар ва киберхуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва барҳам бериш каби вазифаларни амалга ошириши даркор.

Интернетдан фойдаланишда ҳушёрлик зарур

Асримизнинг энг ўткир муаммоларидан бирига айланиб улгурган киберхавфсизлик — бу ахборот тизимлари, тармоқлари ва дастурларини рақамли хужумлардан ҳимоялашга қаратилган фаолият бўлиб, одатда бундай хужумлардан мақсад мафий маълумотларни қўлга киритиш, уларни ўзгартириш ёки йўқотиш, фойдаланувчилардан пул талаб қилиш ёҳуд бизнес жараёнларини издан чиқаришдан иборат.

Дунё манзараси кун сайин ўзга-

рилиш билан боғлиқ нормаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Экспертлар қайд этганидек, мазкур қонунни ишлаб чиқишда хорижий давлат ва халқаро ташкилотлар, хусусан, Германия Федератив Республикаси, Латвия, Литва, Эстония, Озарбайжон ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари тажрибаси чуқур ўрганилган.

Қонуннинг қабул қилиниши натижасида жисмоний ва юридик шахслар билан давлат органлари ўртасидаги муносабатларни белгилашга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етказувчи давлат органлари ходимларининг эҳтимолий бўлган қонуний хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилишга, маъмурий тартиб-таомиллар ягона механизмини жорий этишга, маъмурий органлар томонидан маъмурий ҳуқуқий фаолият соҳасида юзага келадиган муносабатларни ўз вақтида ҳал этишга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

риб бора экан, киберхужумларга қарши кураш ҳар қанонидан ҳам долзарб бўлиб бораётгани айна ҳақиқат. Зотан, инсонларнинг ақл ва тафаккури юксалиб бораётган бугунги кунда айрим кишилар ҳамон турли алдовлар қўрбонига айланимоқда.

Маълумотларга кўра, киберхужумлар натижасида бир йилда дунё иқтисодиётига ўртача 25 — 30 миллиард АҚШ доллари миқдорига зарар етказилмоқда. Киберхужумлардан ҳимояланиш бўйича турли компаниялар томонидан махсус дастурлар, ҳимояланган тизимлар, иловалар ишлаб чиқилмоқда. Мутахассислар фойдаланувчилар ва ташкилотларни кибертаҳдидлардан ҳимояланиш учун ахборот хавфсизлигининг барчага маълум қондаларига изчил амал қилиш, жумладан, мессенжер ёки электрон почтага келиб тушган, текширилмаган, шубҳали хабарлардан эҳтиёт бўлиш, мураккаб пароллардан фойдаланиш ва уларни бошқаларга бермаслик, шубҳали сайтлар ва ахборот ресурсларидан рўйхатдан ўтмаслиқни маслаҳат беришди.

Янги Қонун қабул қилинганига қадар мамлакатимизда киберхавфсизлик макони хавфсизлигини таъминлаш йўлида катта амалий қадамлар ташланганини ҳам таъкидлаш ўринлидир. Президентимизнинг 2019 йил 14 сентябрдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини тақомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, Вазирлар Маҳкамаси, Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг “Техник қўмаклашиш маркази” давлат унитар корхонаси Давлат хавфсизлик хизматида ўтказилди ва “Киберхавфсизлик маркази” давлат унитар корхонаси этиб қайта номланди.

Шунингдек, 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни соҳасини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармонида ҳам киберхавфсизлиқни таъминлаш ва тармоқлар, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва ресурсларини жорий қилишни таъминлаш бўйича комплекс чораларни амалга ошириш, шахсий ва биометрик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш бўйича технологияларнинг қўлланишини тартибга солишда иштирок этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Бир неча йил илгари Буюк Британиянинг Comparitech тадқиқот компанияси киберхавфсизлик даражасини нисбатан юқори бўлган давлатлар рейтингини тўзди. Рейтингда 60 та давлат қиртилган бўлиб, бунда Япония етакчилиги қилмоқда. Рўйхатда Ўзбекистон 56-ўринни эгаллаган. Давлатларнинг рейтингиди ўрнига зарарли дастурий таъминот билан зарарланган мобил қурилмалар ва компьютерлар ушбу, пуллари ўғирлаш мақсадида амалга оширилган халқаро хужумлари ҳимоя, у ёки бу давлатнинг халқаро соҳаларида тайёрланганлиги, тегишли қонунчилик мавжудлиги қаблилар таъсир қилган.

Баҳодир ГОЙИБНАЗАРОВ,
Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги
Қадрлар малакасини ошириш ва
статистик тадқиқотлар институтини директори,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 548. 31 218 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Өфсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:

Девонхона 71-233-52-55;

Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Табририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайдн ва муаллифга қайтарилмайдн.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфик ҳажатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-йй.

Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.

Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.15 Тошпирилди — 02.10 1 2 3 4 5 6